

КИМЁ ФАНИДАН ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ ИТЕРФАОЛ УСУЛЛАР АСОСИДА КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Дилбар Абдикаюмовна Шайзакова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Илмий ва методологик кимё кафедраси дотценти (PhD).

dilbar.nazirova.77@mail.ru

Сожида Мирзатиллаевна Мирахмедова

Бўстонлик тумани 3-сонли умумий ўрта таълим мактаб
кимё фани ўқитувчиси

Ғанишер қизи Нигинахон Нуриллаева

Ўзбекистон Миллий университети талабаси

nigina.nurillaeva02@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада таълим оловчиларнинг фанга бўлган қизиқишини оширишда, топшириқларни мустақил бажаришга ўргатишда, интерфаол таълим усулларининг таърифи ва уларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар берилган.

Калит сўзлари: компитенция, креативлик, таълим, интерфаол усул, мантиқий занжир, йўналтирувчи, танқидий анализ, матнлар анализи.

INTERACTIVE METHODS FOR THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE COMPETENCE

ABSTRACT

The article describes interactive teaching methods and methodological recommendations for their application to increase students' interest in science, teaching them to perform tasks independently.

Keywords: competence, creativity, learning, interactive method, logical chain, leadership, critical analysis, text analysis.

КИРИШ

Бугунги кунда республикамизда таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди, стратегик вазифалар белгилаб берилди, таълим-тарбия сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг бу соҳадаги бир қанча фармон ва қарорлар шу жумладан 2020 йил 12 август PQ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлар ҳамда бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда таълим тизимининг ривожлантиришнинг замонавий тамойилларини жорий этиш бўйича белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб ва уни амалга оширишда педагог ва методист ўқитувчиларнинг оқидга бир қанча вазифалар қўйилган [1].

Бугунги тезкор давр таълим олувчиларни, қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан қуроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда [2].

Таълим соҳасини такомиллаштириш бўйича хорижий инвестициялар кенг жалб қилинган ҳолда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан яқин алоқалар таълим тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Таълим муассасаларининг мақсад ва вазифалари замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кунда ўқитишнинг анъанавий кўринишидан фарқ қиладиги замонавий технологияларни қўллаш, ўқитиш жараёнини ягона шаклга келтириш ва юқори самарадорликка эришишга имконият яратади. Шу боис ҳам илмий-техника тараққиётининг жадал суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврида ўқитишнинг анъанавий технологиялари шахсга йўналтирилган илғор технологиялар билан алмаштирилмоқда [2]. Бундан кўзланган мақсад, ҳар томонлама етук, жаҳон стандартлари даражаси талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашдир.

Таълим жараёнида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, янги технологияларга асосланган таълим усуллари ва воситалари, уни ташкил қилиш

шакллари ва натижаларининг шу пайтгача мавжуд бўлган анъанавий ўқитиш усулларидан кескин фарқ қилади ва самарадорлик нуқтаи назаридан кўп афзалликларга эга.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Таълим оловчилар юқори даражада ўзлаштириши учун ҳар бир мавзунинг илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўтилишини таъминлаш талаб этилади [3]. Фанларни ўқитишда компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни амалиётга жорий этиш, таълим оловчиларда креатив компетентликни ривожлантириш, эгаллаган билимларини ҳаётда қўллай олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантириш кўзланган асосий устувор йўналишлардан биридир.

Дарсларни оқилона ташкил қилиниши, педагог томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини ошириб, уларнинг дарсларда фаоллиги рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда интерфаол усулларни қўллаш ва таълим оловчиларни машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади [4].

Замонавий таълим технологиясидаги усул ва воситалар, шакл ва натижаларнинг ҳар бирига тўхталмасдан, мисол тариқасида гуруҳларга янги мавзу ўтишнинг анъанавий ва замонавий технологияга асосланган усулини таққослаб кўрамиз. Бу усуллар қўлланилганда педагог таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади

Қуйида ана шу интерфаол усулларнинг номлари ва қисқача тавсифи келтирилган:

Интерфаол усуллар

Гуруҳлар ва усулларнинг
номланиши

Қисқача тавсифи

1. Тушунчаларни анализ қилиш ва тартибга солиш

Кластер

Тушунча тўғрисида кенгайтирилган
янгилик

Категориал маълумот

Ўхшаш тушунчаларни умумлаштириш

Адашган мантиқий занжир

Вақтинча кетма-кетлик

Синквейн

Ахборотларни йиғиш, тушунчаларни
аниқ очиш

2. Фикрлашни фаоллаштирувчи саволлар ва усуллар

Бумеранг	Саволлар алмашуви
Кўзгули саволлар	Маъносини айтиб бериш
Муаллифга саволлар	Мазмунини ойдинлаштириш
Педагогга саволлар	Хилма-хиллик
Муаммоли саволлар	Фикрларни фаоллаштириш
Фокусловчи саволлар	Аниқлаштириш
Концептуаль саволлар	Назарий
Савол бериш усуллари	Тавсия этиш
Кейс-стади	Тажриба ҳолати бўйича қарор қабул қилиш
Дастлабки терминлар	Калит сўзлар
Йўналтирувчи маъруза	Интерфаол
Кутилажак натижа	Ҳа ёки йўқ фикри

3. Ғояларнинг пайдо бўлиши

6-3-5 методи	Эпчиллик
Ақлий ҳужум	Озод қилиш
Ялпи ақлий ҳужум	Маслаҳат берувчи
Натижа кўриниши	Кўз билан кўриш
Жараён кўриниши	Кўз билан кўриш
Яқунловчи натижа	Умумлаштириш

4. График ташкилотчилар

Маънолар хусусиятини анализ қилиш	Мазмунни анализ қилиш
Чиқиш харитаси	Дарс натижаси
Венна диаграммаси	Фарқлаш ва бирлаштириш
Биламан/Билишни хоҳлайман/Билиб олдим	Ўқитиш йўли
Концептуаль харита	Солиштириш
T-схема	Таққослаш

5. Мунозаралар

Музокаралар	Қоида бўйича тортишув
Сўзлашув профили	Қарама-қарши сўзлашув
Мунозара	Ижодий ва ностандарт тафаккурни ривожлантириш, ҳақиқатни излаш
Охирги сўзни менга беринг	Рағбатлантириш
Бир-бирини кесиб ўтувчи мунозаралар	“Ҳа”-“қаршиман”
Бурилиш мунозараси	Қарашларнинг кўп вариантлиги
Танқидий мунозара	Объектив ҳақиқатни билиш мумкинлиги
Гуруҳлари	

Метамунозара
 Стол ўртасидаги ручка
 Эстафета

Фикр юритиш
 Ўз фикрини баён қилиш имконияти
 Фаолликка чақириш

6. Биргаликда ўқитиш

Аквариум
 Ҳамкорликда ўқитиш
 Зиг-заг 1

Турли хил кўриниш
 Биргаликда ишни ташкил этиш
 Педагог ролида, ҳамкорликда таълим олиш.

Зиг-заг 2

Педагог ролида, ҳамкорликда таълим олиш.

Айлана стол
 Кубик
 Кичик гуруҳ
 Ўйланг/Жуфтликка бўли-

Биргаликдаги ижод
 6 та нуқтаи назардан қараш
 Ҳамма биргаликда
 Икковлон тайёргарлик

нинг/Фикрларни алмашинг
 Кичик гуруҳларда фикрлар
 алмашиш

Ишни кетма-кет муҳокама қилиш

Уч сатхли интервью

Консенсусга йўл

7. Баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш

Ҳамкорликда баҳолаш
 Портфолио
 Аҳамиятлилик чизиғи

Шерик фикри
 Баҳолаш учун материаллар
 Муҳимлик ҳақида фикр

8. Ёзма ишлар

Аналитик умумлаштириш
 Асословчи эссе
 Ассоциатив хат
 РАШМ (берилган мавзу
 бўйича ёзма иш)

Реферат
 Асослаш
 Ўқиб чиқилганлар ҳақида фикр
 "Роль-Аудитория-Шакл-Мавзу"

Галерия бўйича давра

Ишни муҳокама қилиш

10 дақиқали Эссе

Кичик ёзма иш

5 дақиқали Эссе

Кичик ёзма иш

9. Ўқитиш

Икки қимсли кундалик
 Инсерт
 Ўйналтирувчи ўқитиш
 Ҳамкорликда изланиш
 Жуфтликда ўқиш
 Ўқиш ва ўқиб чиқилганларга

Ғоялар, саналар анализи
 Матнлар анализи
 Муайян далиллар асосида ўқитиш
 Матн бўйича саволлар
 Маърузачи ва оппонент
 Танқидий анализ

реакция

Стратегия 4-П

Мавзунини шарҳлаш

Интерфаол усулларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар қуйидагилардан иборат иборат:

Биринчи қоида: ишлаш учун жойни тайёрлашга жиддий қараш керак. Бу аввалига бекорчи кўрингандек оддий масала эмас. Аудиторияни шундай тайёрлаш керакки, бунда таълим олувчилар кичик ёки катта гуруҳларда ишлаш учун ўтиришларига осон бўлиши керак. Яъни уларга жисмонан қулай шароит яратилиши керак. Дарсда кимдир гуруҳга тескари ўтириб қолиб бошқаларга бошини ёнбошга буриб ўтириши ёмондир. Шунинг учун столни шундай қўйиш керакки, таълим олувчи ўзига қулай вазиятда кичик гуруҳ билан осон муносабатда бўлиши керак. Ижодий иш учун материаллар олдиндан тайёрланган бўлса яхшидир.

Иккинчи қоида: жараён ва регламентга жиддий муносабатда бўлиш лозим. Бу ҳақда бошидан келишиб олиш керак ва уни бузмаслик лозим. Масалан, ҳамма таълим олувчилар ҳар бир нуқтаи назарга сабрли бўлиб, сўз эркинлигини, унинг қадрини ҳурмат қилишлари керак.

Учинчи қоида: таълим олувчиларнинг гуруҳларга бўлинишига жиддий эътибор беринг. Аввалига, уни ўзи хоҳишига кўра қуриш керак. Кейин тасодифан танлаш тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи қоида: таълим олувчиларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада ишга жалб қилинган бўлиши керак.

Бешинчи қоида: таълим олувчиларнинг руҳан тайёргарлигига кўмаклашиш лозим. Гап шундаки, дарсга келганларнинг ҳаммаси ҳам у ёки бу иш шаклига бевосита киришишга руҳан тайёр эмаслар. Бунга маълум даражада хулқининг анъанавийлиги таъсир кўрсатади. Бу борада машқ қилишлар, таълим олувчиларнинг ишда фаол иштироклари учун доимий рағбатлантиришлар, таълим олувчининг ўзини намоён этиш учун имконият яратиш фойдали бўлади.

Олтинчи қоида: интерфаол усуллардан фойдаланганда гуруҳда таълим олувчилар сони кўп бўлмаслиги керак. Таълим олувчилар сони ва ўқитиш сифати бир-бирига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Одатда агарда ишда таълим олувчилар сони 30 кишидан ошмасагина, иш самарали бўлади. Фақат шу шарт бажарилганда энг мақбул таркиби 4-6 кишидан иборат, кичик гуруҳларда самарали иш олиб бориш мумкин. Ахир, ҳар кимни тинглаш, ҳар бир гуруҳга муаммони баён этиш билан чиқишга имкон бериш муҳим.

Интерфаол ўқитиш педагог билан таълим олувчи ўртасидаги доимий ўзаро муносабатларни кўзда тутди ва шунинг учун у аудитория билан ўзаро муносабат ўрнатишни билиши керак.

ХУЛОСА

Дарс жараёнида самарали шакл, метод, методик усул ва воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, таълим олувчиларда креатив компетентликни ривожлантиришга имкон берувчи омиллардан бири саналади. Кузатишларни олиб бориш, муаммоли вазиятларни яратиш ва бу ўринларда таълим олувчиларнинг мустақиллигини таъминлаш, уларни ўз фикрларини эркин баён этишга рағбатлантириш уларда нафақат креатив компетентликни ривожлантиради, балки унга қизиқиш даражасини оширади, уни мустаҳкамлайди ва барқарорлашувига олиб келади.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора – тадбирлари” тўғрисида. 2020 йил 12 август. ПҚ-4805-сонли Ўзбекистон республикаси Президентининг қарори.
2. Кимё фанини ўқитишда шахсий – инсонпарварлик технологиясидан фойдаланиш. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723.
3. Р.Ж.Ишмухамедов Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2005 й.
4. Фарберман Б., Мусина Р., Джумабаева Ф. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари (ўқув-услугий қўлланма) Т., 2002. 192 б.
5. Компетентностный подход в обучении: учебно-методическое пособие/авт.-сост. О. В. Еремкина, Н. Б. Федорова, Д. В. Морин, М. А. Борисова; Ряз. г ос. ун-т им. С. А. Есенина. - Рязань, 2010.